

НАВОЙНИНГ “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” ҚАНДАЙ АСАР

Шарипов Назаржон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10083144>

Навоий 1485 йилда “Хамса”ни ёзиб тугатгач, “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарини ёзишга киришади. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда пайғамбарлар ҳаёти ва насаблари ҳақида маълумотлар берилади. Иккинчи қисмда Аллоҳга яқин бўлган обид инсонлар ҳақидаги хабарлар келтирилади. Учинчи қисмда эса ҳаким зотлар зикри келади. Асар насрий тарзда ёзилган бўлиб, ҳар бир пайғамбар ҳақидаги маълумот сўнгида рубоий кўринишидаги хотима берилади. Барча рубоийлар мазмуни дунё ўтқинчи экани, инсон дунёда минг йил яшаса ҳам ўлим муқаррар экани ҳақидадир. Масалан, Одам ато ҳақидаги маълумот ниҳоясида:

Одамники, Ҳақ лутф ила мавжуд этти,

Мажмуъи мулк хайлига масжуд этти,

Охир танидин руҳни манқуд этти,

Ул навъки, нобуд эди нобуд этти, дейилса, Шис пайғамбар хабари сўнгида:

Гар Шис ва гар Қобил эрур, гар Ҳобил,

Ёшлари агар юз йил эрур, гар минг йил,

Бир неча кун этсалар жаҳонда таътил,

Охир бориға ажал буюрур таъжил, деб ниҳояланади.

Пайғамбарлар қисмидаги маълумотлар Одам атодан бошланиб, кетма кетликда бериб бориларкан, пайғамбар авлодидан бўлган лекин пайғамбарлик мақоми берилмаган шахслар ҳақида ҳам сўз боради. Пайғамбарлар зикри Жиржис билан ниҳояланади. Асарда сўнги пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳаёти ҳақида маълумот берилмайди.

Ҳаким зотлардан Лукмони ҳаким, Фишоғурс (Пифагор), Жомосб, Букрот (Гиппократ), Букротис, Суқрот (Сократ), Жолинус (Гален), Батлимус (Птоломей), Содик (Нўширавон даврида яшаган), Бузургмеҳр (Нўширавон вазири)лар ҳақида маълумотлар келади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари деярли барча адабиётларда Навоийнинг тарихий асарлари қаторида санаб ўтилади. Тўғри, асар тарихий маълумотларни ўз ичига олади. Аммо уни диний асар сифатида ҳам қараш мумкин. Чунки, нубувват, расул, ваҳий каби тушунчалар, пайғамбарларнинг ҳаёт тарзи ва тарихи ҳақидаги маълумотларни беришда Навоий Қуръон оятлари ҳамда ҳадислардан иқтибослар келтириб ўтади. Шунинг учун ҳам, асарни диний-маърифий асарлар сирасига киради деб айтишимиз мумкин. Бу билан биз ушбу асарни мутлақо тарихга алоқаси йўқ демоқчимасмиз. Лекин умумий мазмундан келиб чиққан ҳолда шундай тўхтамга келиш мумкин.

References:

1. Навоий А. Тарихи анбиё ва ҳукамо. МАТ 20 томлик, 16 - том. – Т.: Фан. 2000.
2. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. 1-китоб. – Т.: “HILOL NASHR”. 2017.
3. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Нвоийшунослик. 1-китоб. – Т.: “TAMADDUN”. 2018.